

Шеър — одамнинг ташқи оламдан олган таассуротлари билан юрагидаги хис-туйғуларни қоршиғи меваси. Агар дилингизда эзгулик бўлса, эзгулик, ва аксинча риё бўлса, риё тугилади. Бу — Ўзбекистон халқ шоираси, Меҳнат Қаҳрамони, Халқаро Нилуфар, Хиндистон давлатининг Жавахарлаал Неру номи мукофотлари соҳибаси, Болгариянинг Кирилл ва Мефодий орденига муяссар бўлган, Мустақил Ватанимизнинг Дўстлик ордени нишондори шоира ЗУЛФИЯнинг фикрлари.

Шоира таржимаи ҳолини кузатар экансиз, ҳаёт саҳифаларини йилдан-йилга билим, меҳнат билан сайқаллаб борганининг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир, бўлим мудир лавозимларида ишлади. 1950 йилдан «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнаliga ишга келди. 1985 йилгача шу журналга раҳбарлик қилди.

Илк китоби 1932 йилда «Ҳаёт варақалари» сарлавҳаси билан чоп этилган. «Юрагимга яқин кишилар», «Салом сизга эркаклар эллар», «Хотира сатрлари», «Йиллар, йиллар», «Уйлар», «Тонг билан шом аро», «Лирика», «Шалолар», «Мушоиралар», «Камалак» каби ўнлаб шеърӣ китоблар ўзбек адабиётининг мулки, шоиранинг эса қувонч ва ташвишлари сувератидир.

«Саодат» журналининг шу йил 2-сонида Зулфиянинг сўнгги достони — «Хотирам синиклар» илова китобча тарзида чоп этилди. Бу Зулфиянинг орауси эди.

Таржимон, жамоат арбоби, жуда кўп адаби-шоирларга устоз Зулфиянинг ёди хотиралар, ўли шеърлар билан авлоддан-авлодга кўчаради.

Қадди ҳамиша мағрур, баянд ва тик қоматли, ҳамсухбатининг кўзига дадил боқиб гапирадиган ва тинглайдиган, умр фасларининг ҳар бирини, қийин қийинларигача ўзига муносиб ўқтам ва

димларини юбориб турдилар. Ноёб доирларини ўз вақтида етказиб турдилар. Шу тариха янгидан ҳаётга келдим, соғайиб чиқарманман, мени даволаган шифокор: «Зулфия сенинг қиммиг бўлади?» деб сўради. «Устозим!» деб жавоб қилдим гурур билан. Устознинг бу қадар меҳрибон, жонқуяригидан ҳайрон қолишганди...

МУАЗЗАМ ШАРҚ НАМОЯНДАСИ



• Мухтарома УЛУГОВА, шоира:
— Зулфия опани мен ҳаётимда учратган энг олижаноб инсон деб тан олганман. Бу гапни жуда кўпчилик айтган, ҳамон айтимокда ва келажакда ҳам тилдан тушмаслиги аён. Лекин айтмоқ бошқа, шаймоқ бошқа.

• Ойдин ХОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири, «Саодат» журналининг Бош муҳаррири:
— Беморхонада оғир аҳволда ётиб қолгандим. Кейин билсам, менинг соғайиб ҳаётга қайтишимдан шифокорларнинг ўзлариям умид ўзинган экан. Бундан хабар топган, Зулфия опа эрталаб кириб келдилар, тахририят хо-

чиройли устознинг одамлилик фазилатларига ҳаммиса қўйил қўлиб келганмиз. «Бугунимизнинг аёллари иқир-чиқир, майда хою хаваслардан баландроқ бўлишларини хоҳлардим», — деган эдилар. Бу гапни жуда кўпчилик айтган, ҳамон айтимокда ва келажакда ҳам тилдан тушмаслиги аён. Лекин айтмоқ бошқа, шаймоқ бошқа.

• Ойдин ХОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири, «Саодат» журналининг Бош муҳаррири:
— Беморхонада оғир аҳволда ётиб қолгандим. Кейин билсам, менинг соғайиб ҳаётга қайтишимдан шифокорларнинг ўзлариям умид ўзинган экан. Бундан хабар топган, Зулфия опа эрталаб кириб келдилар, тахририят хо-

Донолар сўзини тинлаган замин, Не буюк фарзандлар онаси эй, юрт, Бу қизинг бор эди, мўйиш, вазини, Эслайсанму, Музайягани?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бериуий номидаги Давлат мукофоти билан таърифланган, халқ озаки ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганишга ўзининг бор илмий салоҳияти, истеъдодини бахшида этган шоира ва оlima Музайяна АЛАВИЯНИ халқимиз хурмат-этибор билан тўқинлаб тилга олади.

Музайяна Алавия 1909 йилда Пискент туманида, шеърятга мойил оилада таваллуд топди. У ўқиб ва ёзишни эрта ўрганди, сўнг бошланғич мактабларда дарс берди. Дастлаб Самарқанд билим юртида, кейинчалик педагогикада тахсил олди, мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берди.

Опа ёшлик давридаёқ эртак ва халқ кўшиқларини севиб тинглар, хусусан, Наврўз кунлари сумалак атрофида гурунглашадиган аёлларни эшитар, кўшиқларни шоша-пиша ёзиб оларди. Бу иштиёқ уни 1940 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига етказди. Фольклор экспедицияларида қатнашди ва халқ озаки ижоди дурдоналарини ёзиб олишда жонбозлик кўрсатди. Ўзбекистонимизнинг турли вилоят ва туманларини кезиб ўзи севаган халқ кўшиқлари, эртак, афсона, ривоят ва нақлларни, хусусан тўй, маросим, урф-одат, расм-рўсуллар, бешик тўйи билан боғлиқ айтишларни ёзиб олди, ёр-ёр, ўлан, келли салом, лапар сингари қадриятларни тўплашга эътибор берди. Чунки бу кўшиқларда халқ аънаналари, ахлоқ-одоб нормалари, дунёқараш ва урф-

одати, диний эътиқоди ва турли хил тушунчалари ўз ифодасини топан эди. Музайяна Алавия фольклор асарларини тўплаш билан бирга илмий тадқиқ қила бошлад. Дастлаб кўшиқларни жанрларга бўлиб, у ёки бу турга хос белгилари, говий-бадий хусусиятларини аниқлаб, бадий тасвир восита-

ЮРТИМ, ЭСЛАЙСАНМУ, МУЗАЙЯГАНИ?

ларини таҳлил қилишга киришди. 1959 йилда узок йиллар давомида ёзиб олган халқ кўшиқлари асосида «Ўзбек халқ кўшиқлари» номи қандидатлик диссертациясини ёзди ва ҳимоя қилди.

Музайяна Алавия экспедициялар давомида Фозил Йўлдош ўғли, Ислам шоир Назар ўғли, Абдулла шоир Нурали ўғли каби истеъдодли бахшилар билан танишди ва улардан бир қанча достон ва термалар, Фарғонада Юсуф қизикдан лофлар ёзиб олди. Хоразмда Матқуб Назиров, Раҳим Бойтоев каби хофиз, кўшиқчиларни кашф этиб, терма, мавсум кўшиқлари, эртак ва афсоналар тўплади.

Музайяна Алавия ажойиб шоира ҳамдир. Унинг она шаҳри, бахтиёрлик, секин ва вафодорлик, меҳнат ва ҳаёт қувончлари, мардлик ва ватанпарварлик мавзуларида ўзига хос, бадий жиҳатдан гўзал шеърлар яратди. Унинг «Севинчларим», «Дил нидоси» каби шеърӣ тўпламларида Ватанин севиш-

қадрлашга қақриқ оҳанглари янграб туради. Шунингдек, Музайяна опанинг «Ўзбек халқ кўшиқлари», «Янги кўшиқлар», «Ок олма, қизил олма» сингари тўпламлари эса халқ мулки, жавоҳирлари сифатида қимматлидир.

• Жўра МИРЗАЕВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Мен инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган инсон Музайяна Алавия ҳақида хотираларимни матбуот орқали айтиш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад бахтиёрман. Уларнинг ҳаёти бизнинг ҳаммамиз учун, айниқса, уни тўла ҳуқуқ билан устозим деб айта оладиганлар учун ўрнак бўлиб хизмат қилган ва қилмоқда. Музайяна опа ёшларнинг қалбига йўл топадиган ўқитувчилар тоифасидан бўлган эдилар. Улар жуда қамтарин, мулоим, шогирдларига ўз билимларини оддий тилда, ўта содда ва тушунарли тарзда етказар эдилар.

Музайяна Алавия ҳалол меҳнатлари билан, игна билан қудуқ қазигандек, ўз фанининг энг юқори чўққисига чиққан оlima эдилар.

• Комилжон ИМОМОВ, филология фанлари доктори:

— Ҳар бир инсон ўз ҳаёти мобайнида юрагида ёрқин из қолдирадиган кишиларни учратиши мумкин. Хотирамда самимий из қолдирган шундай инсонлардан бири Музайяна Алавия ҳисобланади.

Музайяна Алавия ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати, чуқур илмий изланишлари билан дўстлари, фольклоршунослар, шоир ва шогирдлари, ўзбек халқи қалбига абдий яшайди, фольклоршунос оlima сифатида ёрқин юлдуздек чарақлаб туради.

ҲАМОН ЙЎЛДАМАН...

— Журналистика ажойиб бир касб. Мен бахтли эканманки, шу касбга ошно бўлибман. Кўпинча мендан: «Қандай келдингиз журналистикага?» деб савол беришади. Ростдан ҳам: «Қандай келдим?» — дея ўзимдан сўрайман ва ҳаётим сўқмоқларини титқилаб кетаман. Ўйлаб кўрсам, журналист бўлмаслигим мумкин эмас экан, деган ҳаёлга келаман ва ҳар гал шоир ва ёзувчи, ажойиб инсон Шўхрат ака ёдимга тушади.

«Саодат» журнали тахририятдаги мулоқотлардан бирида мавзу ирсият ҳақида бўлди. Мисол излаб «Узоқда Бормайман», — дедилар Шўхрат ака, — саккиз синфлик маълумот билан сиз қандай келдингиз журналистикага? (Уруш тўғрисидаги ўқишлар чала қилиб кетган эди). Ўша ирсият дегани зўр келган. Сиз — отангизнинг боласисиз. Отангиз ёзувчи, шоир, драматург бўлган. «Қазисан, картасан — асли зотингга тортсан», деб яқинларингиз сўзларини.

Шундай қилиб, кундузи тахририятда ишлаб, окшом кечки ёшлар мактабиди ўқидим, сўнг Тошкент театр ва рассомчилик институти театршунослик факультетини тугалладим. Бу орада иш давом этди. 1951—1952 йилларда Тошкент радиосида адабий-драматик эшиттиришлар тахририятини бошқардим. Бу йиллар ичда оила қурдим. Институтини битирганимда икки фарзанднинг онаси эдим. Кундузи иш, институтдаги дарслар, окшом кечки ёшлар мактабиди ўқиб, фарзандлар тарбияси — жуда-жуда оғир эди. Шу вазифалардан ҳеч бўлмаса бирдан кечаман, деган фикрга келардим. Аммо ҳеч бирдан кечолмадим ва ниқоят ўқиб ҳам битди.

Тахририятдаги одамлар билан мулоқот, инсон тақдирини ўрганиш, журнали ўйини, кўримини, журналистонга ёқимли қилиб чиқаришга интилиш, балки, қаламини чархлаш билан йиллар ўтди. Бу йиллар ичда тушундимки, мен журналистикасиз, одамларсиз туролмас эканман.

«Саодат» тахририятда ўттиз йил ишлаб, пенсияга чиққанымда, энди дам олмаем деб ўйлагандим. Лекин республикамизда бўлган туў ўзгаришлардан четда туролмадим. Истиклол қўлимга қайта қалам тутиқди. Уч яшарлигимда бедарак йўқолган отам Саид Аҳрорий изларини топишга муваффақ бўлдим. Умр бўйи бедарак кетган, деб билганим отам истиклол учун курашиб бўлган эканлар, бир қатор ватанпарварлар қаторида отиб юборилган эканлар.

Ана энди излаш ва излаш бошланди. Ҳужжатҳолар ва кутубхоналардаги изланиш тўғрисида отанинг қатор шеър ва мақолаларини топдим. Эски араб ёзувидан тилимизга



9 Май — Хотира ва Қадрлаш кун

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҲЛЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲМИТАСИНИГ САҲИФАСИ

Мамлакатимиз ва унинг пойтахтида 9 Майни Хотира ва Қадрлаш кун сифатида ўтказишга қизинг тараддууд кетмоқда. Президентимизнинг «9 Майни Хотира ва Қадрлаш кун деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони халқимиз дилидаги айни муддао бўлди. Биз ана шу қутлуг айём арафасида «Оқшом»нинг аънанавий «Ҳаёт боғининг гўллари» саҳифасини маданиятимиз, маънавиятимиз тараққиётига ўзларининг беназир хиссаларини қўшган, ҳаётда ёрқин из қолдирган аёлларимиз хотирасига ва шу кунларда турли соҳаларда меҳнат қилиб, кадр ва эъзозга сазовор бўлаётганларга бағишладик.

РАҚСИМИЗ МАЛИКАСИ

Умрин оқар дарёга қиёслашлари бежиз эмас. Орамизда шундай табарруқ инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли мисоли дарёдек узугвор, сермазмундир.

Муқаррама ТУРГУНБОЕВА... Бу ном ортида гўзал инсон, умрининг аҳас мезамунини ҳаққимизнинг миллий рақс санъатига бахшида этган, уни дунё мамлакатлари саҳнасига олиб чиқиб бахтига мушарраф бўлган аёл сиймоси ётади.

Муқаррама Турғунбоева 1913 йилда Фарғонанинг Қуйи қишлоғида туғилди. Болалиғида ота-онандан етим қолган, аммакиси қўлида тарбия олди. Аммакисининг қаршилигини енгиб, билим даргоҳида тахсил олди. Илк истеъдоди билан устозлари эътиборига тушди. 1929 йилда ўзбек экспериментал мусиқали драма театрига ишга қабул қилинди. Ўзига топширилган роллари маҳорат билан ижро этарди. 1934 йилдан хореография мактабиди дарс бера бошлаганидан сўнг устози Олим Комилов яратган «Катта ўйин», «Занг», «Дучава», «Пилла» рақсларини саҳнага олиб чиқди. 1943 йилда «Пилла» рақсини ўзи қайта саҳналаштирди. Машҳур «Тановар» рақси ҳам шу йилларда яратилди.

Муқаррамахоним 1957 йилда «Баҳор» ансамблини ташкил этди. Умрининг сўнгига қадар шу ансамблини катта санъат йўлига олиб чиқиб учун елиб-югурди. «Баҳор»да юздан ошиқ рақслари саҳна юзини кўрди. Эл суйган таниқли раққоса, жамоат арбоби, бир неча бор Давлат мукофотлари соҳибаси бўлган Муқаррама Турғунбоева 1978 йилда ҳаётдан кўз юмди.

Бу инсон рақс санъатига салмоқли хизматлари билангина эмас, балки энг чиройли хушфазилатлари билан ҳам ўзига ҳайқал қўйиб кетган. Айни вақтда «Баҳор», «Зарафшон», «Тановар», «Лазги» рақс жамоаларини ўз ичига олган «Ўзбекрақс» бирлашмаси устоз санъаткор Муқаррама Турғунбоева номи билан юритилди.

Халқимизнинг фахри бўлган ардоқли раққоса билан ҳамсухбат, ҳамнафас бўлган инсонлар, шогирдлар шундай хотирлашди:

• Кундуз МИРКАРИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти, рақс профессори:
— Мени «Баҳор» ансамблига олиб келган, рақс санъатининг барча сирини синоатини ўргатган, юқори мартабаларга эришганимча бўлган машаққатли ижод ва тақдир йўлида бошимни силанган инсон — Муқаррама опамдан тоабат миннатдорман. Кейинчалик шу ансамблга ўзим раҳбарлик қилган кезларимда устоз хотирасига атаб «Фарғона рубойиси», «Гулноз», «Навқироним қани?», «Анджон полкаси», «Жонон» рақсларини тайёрладим. «Миллий рақслар аънанасини сақлаган ҳолда янги миллий рақсларни яратиш керак» дердилар Муқаррама опа. Устознинг шу сўзлари ижодий фаолиятимнинг бош мезони бўлиб келди.



• Юлдуз ИСМАТОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Ўзбекрақс» бирлашмасининг раҳбари:
— Муқаррамахоним яратган юзлаб рақслар билан биз дунё мамлакатлари саҳналарини айланиб чиқдик. Қаерда бўлмайлик, рақсларимизни қайси миллият томоша қилмасин, халқимизнинг миллий рақс санъатига қайта-қайта таҳсин ва офаринлар ёғиларди. Муқаррама опанинг ижодий аънаналари бу кун «Ўзбекрақс» фаолиятида аниқтиник акс этиб турибди.

• Маъмура ЭРҒАШЕВА, Ўзбекистон халқ артисти, «Баҳор» Давлат рақс ансамблининг раҳбари:
— Муқаррама опа рақс ҳаракатларини оддий халқ ичидан танлаб олардилар. Сўнг шу ҳаракатларга янгиликларни қўшиб, уларни сайқаллаб, бойитардилар. Бизга кўп мартаба «Халқдан олинг ва халққа қайтаринг, ана шунда рақсларингиз халқнинг юрагидан жой олади», дегувчи эдилар. Устоз ўзини халқнинг бир бўлаги деб билар, халқ билан гўзал санъат тилида мулоқотда бўлардилар. Халққа яқинлик туйғуси бизга Муқаррама опамдан ўтган десак янгилишаман бўламан...

Муқаррама опа яратган қўллаб машҳур рақслар бу кун Тошкент Хореография Олий мактабининг бўлажак раққосаларига ўргатиб борилади. Таниқли рақс устаси Розияхоним Каримова Муқаррамахоним ижро этган рақсларининг ҳаракат номларини ифодаловчи қўллаб дарслик қўлланмалар яратмоқда. Ўзбекистонда «Баҳор» деб аталмиш рақс боғини яратиб қолдирган устоз санъаткорнинг мунаввар ёди биз шогирдларининг қалбларидан асло ўчмайди.

Назм

КЕЛИНЧАК ЭВИНГҲЗ ЎША КЕЗЛАРДА

Иккилоб бошланди, замонлар ўтди, Бекалар амрлар, не қавим ўтди, Қанча ур-сурлар суронлар ўтди, Чақалоқ эдингиз ўша кезларда Етмиш ёшдан ошган оналар.

Ўттизиччи йиллар, сургунар чоғи, Қулоқлар, қамоқлар, қирғилар чоғи, Юракларда қолган ажодлар доғи, Қизалоқ эдингиз ўша кезларда Етмиш ёшдан ошган оналар.

Бош кўтарди бирдан фашист деган ёв, Жанга отландилар барча беёв, Фронти орқасида қолган аёллар Эркалар ўрнини босдилар дарров Келинчақ эдингиз ўша кезларда Етмиш ёшдан ошган оналар.

Уруш ҳам тугади, биз чиқдик қолиб, Йиллар ўтиб борди орқанда қолиб, Меҳнат қилардингиз сиз ҳориб, толиб Муниса аёллар, кўркам аёллар Етмиш ёшдан ошган оналар.

Етиб келди мана истиклол замон, Ўша йилларда хур Ўзбекистон, Ўша авлод илм билан эгалар жаҳон Уйимиз тўрида сизлар дохон Етмиш ёшдан ошган оналар. Омонулла БҮРИЕВ.

УРУШ БЕВАЛАРИ

Бахт қасрима кириб мени топди дард: Уруш, ёзда ёққан қор қаби ўлим. Уттизга қиймак сочим қор ялаб, Кўз ёшим соймак тўқилди ўлим. ЗУЛФИЯ.

Сизга таълим, минг бор қуллақ, тасанно Мухаббат боғининг бол мевалари! Айриқ дардида дил пори, қон Эй уруш йилларини маро бевалари!

Қаро кун келганда эл-юрт бошига Жангоҳча отланди ётқидошингиз. Бўлажак фарзанди юзини кўрмасдан Сунди олис юрда бахт қуёшингиз.

Бир қўлда бешигу бир қўлда дунё Тебратили кутингиз ёрим келар деб. Галаба нишонини тақиб қўқсила Ногирон бўлса-да, норим келар деб.

Туғлари тўлғониб, илтижо билан Естиқини жиққа ҳўа, қўла-қўла қилдингиз. Ўзингиз емайин, қиймай қийдириб, Болалар ризқини мўла-қўла қилдингиз.

Мухаббат жомини тўйиб ичолмай, Ғам, фироқ ўтида ёниб кетдингиз. Аёллик зиннатин солиб сандиққа, Матонат тулпорини миниб кетдингиз.

Шунча йил яшайсиз ёлғиз, ўзингиз, Ҳалоли жуфтнингиз сиймоси билан. Ундан бир ёдоғлик — ўғил-қизингиз, Ҳаёт гул-гулчаси, равноси билан.

Оқарди сочингиз қирмай ўттизга, Қолади ажизлар анор юзингиз. Қўйса сочи не-не барор икитлар, Ҳайр бир бўлишди, Сиз бир ўзингиз:

— Умримни бахти эдим фарзандим учун, Меҳрим берзум унга токи ҳаётман! Келажак авлодим-оилабандим учун Мен эрим сингари қақон, қаюпман!

Норизо бўлмаса бўлди Отаси, У қалам тўрида, ардоғимдайдир. Умр ҳам туш қаби утар-кетаркан, Умидим-зўридам — қароғимдайдир.

От ўрнини босар тойлар албатта, Эрур бахт-саодат бунга етишмоқ. Яшашдан мақсадим — вафо боғида Садоқат машаалини мангу ёритмоқ.

Биринча фарзандим бўлди — ўн, ўн беш, Катта бир хонадон онахониман! Бўлса ҳам мен уруш беаси ҳамон, Тинчликка сафарбар ўз посбониман!

Истагим: урушининг ўзини қораси! Ўтмас ҳам ишчи йил битмас яраси! Ўтмасин ҳеч қилинми жижварораси, Мустаҳкам тинчликдир бунинг чораси! Искандар РАҲМОН.

Саҳифани Маъмура РҮЗИЕВА тайёрлади.

Ҳикматнома

ШАРАФЛАЙЛИК ВА СЕВАЙЛИК МУДОМ

Олжаноб хотинга жуфт бўлса киши, Унинг зийнати — оройиши. Ҳусни бўлса қўнғузага марғуб, Ҳусни ақли бўлса жонга марғуб. Алишер НАВОЙИ. Опандан бош товланма, ошмасин дарди, Шараф тожи эрур оғин гарди. Хотин бўлса қобилу ақли расо, Эри шох, гар эра-да гадо. Абдурахмон ЖОМИЙ. Аёл, бил, лутфу ҳикматга сазовор, Гудакдек мехру шавкатга сазовор. Носир ХИСРАВ. Она! Қандай азиз, қандай улуғ ном, Уни шарафлайлик, севайлик мудом. Муса ЖАЛИЛ. Олтин-қумушнинг эҳсиси бўлмас.

Яхши хотин уй эгаси, Эмон хотин — йўл эгаси. Яхши хотин ишлик бўлаур, Эмон хотин тишлик бўлаур. ХАЛҚ МАКОЛЛАРИДАН. Доим кулиб юрочи эринг хотини Дунёда энг бахтли аёлдир. АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ. Шеър айтсам она — жонидан келур гўё садо, Қишлоғим десам хайлимга келур онам доимо. Мирзо ТУРСУНЗОДА. Агар сиз эркакка илм берсангиз фақат бир кишига, аёлга илм берсангиз, бутун оилага илм берган бўласиз. Маҳатма ГАНДИ. Опанинг фарзандга айтадиган очич қайд-насаҳати болдан ширин. Насиҳатим ол, эй уяғим яқбор, Она пандидан бўлғи ҳосилдор. Низомий ГАНЖАВИЙ.

Тўпловчи: 326-миллий лицей ўқувчиси Садоқат НУРИДДИНОВА.

Хотиннинг шарҳи Одамнинг фарҳиши.



— Келажаги буюк юртимизга фидойи инсонлар керак. Фидойилик эса айнан болаликдан, мактаб партавидан шаклланади, — дейди Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 206-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавжуда опа Раҳимбекова. СУРАТДА: Мавжуда Раҳимбекова ўз ўқувчилари даврасида.

Равиль Альбеков олган сурат.

Қадимда бир подшонинг гўзал бир ўғли бор эди. Шаҳзода гўзал андоқли бўлиши билан бирга мард ва жасур, ориятли ҳамда мағрур ҳам эди. Бир хотин шу гўзал йигитга ошиқ бўлиб қолди. Кўнгли эзлиб, кўзларидан қонли ёшлар оқизди.

ундан айрилиб, омонликда яшаш ўлимдан оғир. Сочимдан судратиб, отнинг оёқлари остида эзгилаб ўлдириш экансан, ихтиёринг, буни қилма деб илтимос қилмайман. Аммо, эй саховатли шох, сен айтган ушбу талаблардан бошқа бир талабим бор.

Шоҳ айтди: — Сўзла, бундан бошқа яна не ҳолатинг бор? Агар мен айтган талаблардан бошқа талаб-ҳолатинг бўлса, муқаррар бу талабни бажарурман.

Хотин айтди: — Эй саховатли ва шарофатли шох, бу кун мени от оёқларига боғлаб судратишга ҳукм қилган экансан, ҳолатим — илтимосим сендан шуки, сочимни шаҳзодининг оти оёқларига боғлаб қўй. Токи бу ишни у қилсин, унинг оти оёқлари остида эзилмай, танимни судраб роҳатлансин. Мен унинг қурбони бўлай ва абадий умр толай. Ҳа, агар маъшук томонидан ўлдирилсам, ишқ нуридан руҳим арши аълода бўлади. Бир ожиз хотинман, ҳушим ўзимда эмас, бағримда лахта-лахта қон, тирикманми, ўликманми — билмайман.

Парвардигор подшонинг кўнглига раҳм солди, кўнгли эзлиб кетди. Хотинни авф этди, унинг сидқу ёнишлари, покиза муҳаббатни, илоҳий ишқи шохнинг қалбини юмшатган эди. Подшо хотинни ўз саройига олиб борди, ўғлига ҳамроҳ этди. Иззат АХМЕДОВ.

Билиб қўйган яхши

ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

- Юрагим хасталанмасин десангиз, дўлана гули дамламасидан бир йилда тўрт марта истеъмол қилинг.
• Аёлларнинг оёқлари шишиб кетганида мум, зайтун мойи ва сув аралашмасидан суртма дори оғрик жойга босилса малҳам бўлади.
• Ҳарорат ошганида пўртахол шираси, қорағат меваси шираси фойда қилади.
• Ҳарорат ошганида пўртахол шираси, қорағат меваси шираси фойда қилади.
• Ҳарорат ошганида пўртахол шираси, қорағат меваси шираси фойда қилади.


- га, қизилмия шираси ажойиб малҳамдир. Ана шулардан алоҳида-алоҳида танаб олиниб истеъмол қилинса дарддан фориг бўласиз.
• Қон босимининг ошишида (гипертония) уни пасайтириш учун қизилча, саримсоқ, жағ-жағ ўти дамламаси, арслонқўйруқ ўти, тирноқгул ўсимлигининг гули тавсия этилади.
• Қон босими тушиб кетганида (гипотония) эса узум шираси, жень-шень ўсимлигининг илдизи фойда қилади.
• Бош оғриганида чой, олма, далачай, хом картошка шираси, ялпиз томчиси оро бўлади.

Мирзамир МИРШАРИПОВ, доришунос.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

«ТОШШАҲАРМАИШИЙХИЗМАТУЮШМА»си Сизларни Мустақил диёримизда илк бор нишонланаётган 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунин билан табриқлайди. Шу муносабат билан 8 май кунин туман уюшмалари билан биргаликда хайрия сифатида қуйидаги сартарошхоналарда уруш қатнашчилари ва ногиронларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этади.

- АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ
1. «Ал-АС» хусусий фирмасига қарашли Фарход кўчаси, 21 маззадаги сартарошхона.
2. «Шавкат МКЛ» хусусий фирмасига қарашли, Лутфий кўчаси, Чилонзор 23-мавзе, 42-ўйдаги сартарошхона, тел. 74-94-33.
БЕКТЕМИР ТУМАНИ
1. «Чень-Чунь» хусусий корхонасига қарашли, Х. Бойқаро кўчаси, 108-ўйдаги сартарошхона, тел. 195-19-66.
2. «Азия-Интур» хусусий корхонасига қарашли, Х. Бойқаро кўчаси, 3-ўйдаги сартарошхона, тел. 195-02-18.
3. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Фарғона йўли, Қўйлик дехқон бозоридagi сартарошхона.
МИРОБОД ТУМАНИ
1. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Алимбекова кўчаси, 12-ўйдаги сартарошхона, тел. 90-05-17.
2. «Яна Бриз» масъулияти чекланган жамиятга қарашли, Стародубцева кўчаси, 204-ўйдаги сартарошхона, тел. 191-76-71.
3. «Авалдан» хусусий фирмасига қарашли, Мунис кўчаси, 80-а ўйдаги сартарошхона, тел. 90-78-51.
МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ
1. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Х. Абдуллаева кўчаси, 71-ўйдаги сартарошхона, тел. 67-18-37.
2. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Корасув-1 даҳаси, Савадо ўйдаги сартарошхона, тел. 65-39-43.
3. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Кодирова кўчаси, 24-ўйдаги сартарошхона.
СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ
1. «Захро» хусусий фирмасига қарашли, Марказ 17/18, Себзор даҳасидаги сартарошхона, тел. 40-48-33.
2. «Карима» хусусий фирмасига қарашли, Фарабий кўчаси, 418-ўйдаги сартарошхона, тел. 46-61-19.
3. «Боситхон» жамоа корхонасига қарашли, Сағбон кўчасидаги сартарошхона, тел. 46-86-76.
4. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Усто Олим кўчаси, 1-ўйдаги сартарошхона.
5. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Қора-Қамиш 1/4 даҳаси, 27-ўйдаги сартарошхона.
6. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Қора-Қамиш 1/2 даҳаси, Савадо мажмуасидаги сартарошхона, тел. 48-72-63.
7. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Чимбой кўчаси, 65-ўйдаги сартарошхона.
8. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Корасарой кўчаси, 1-сон таксопаркдаги сартарошхона.
СЕРГЕЛИ ТУМАНИ
1. «Назоқатбегим» хусусий корхонасига қарашли, Лутфий кўчаси, 54-ўйдаги сартарошхона.
2. «Фабрика» хусусий фирмасига қарашли, Чилонзор-20 мавзе, 19-ўйдаги сартарошхона.
3. «Спутник-5» 28-ўйдаги сартарошхона.
4. «Севара-Бону» хусусий фирмасига қарашли, Сергели-8-а мавзе, 21-ўйдаги сартарошхона.
ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ
1. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Лутфий кўчаси, 54-ўйдаги сартарошхона.
2. «Фабрика» хусусий фирмасига қарашли, Чилонзор-20 мавзе, 19-ўйдаги сартарошхона.
3. «Кабир Акмал» хусусий фирмасига қарашли, Чилонзор-9 мавзе, 2-ўйдаги сартарошхона.
ҲАМЗА ТУМАНИ
1. «Эмилия Компани» масъулияти чекланган жамиятга қарашли, М. Хасанова кўчаси, 10-ўйдаги сартарошхона.
2. «Биноқор» маҳаллага қарашли, Строительная кўчаси, 39-а ўйдаги сартарошхона, тел. 90-72-71.
3. «Эффектстрой» масъулияти чекланган жамиятга қарашли, Фарғона йўли, 101-ўйдаги сартарошхона.
ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ
1. «Лайло» жамоа корхонасига қарашли, 3. Кобилов кўчаси, 16-ўйдаги сартарошхона.
2. «Мадина» хусусий корхонасига қарашли, У. Юсуфов кўчаси, 68-ўйдаги сартарошхона.
3. «Султон АА» масъулияти чекланган жамиятга қарашли, ген. Узоқов кўчаси, 69-ўйдаги сартарошхона.
ЮНСУБОД ТУМАНИ
1. «Экоимбиосервис» масъулияти чекланган жамиятга қарашли, Ш. Илқокий кўчаси, 51-а ўйдаги сартарошхона, тел. 34-03-29.
2. «Ой Нур Бек» хусусий фирмасига қарашли, Юнусобод-11 мавзе, 7-ўй, 28-хонадаги сартарошхона, тел. 125-53-14.
3. «Ал Комар» хусусий ишлаб-чиқариш тижорат фирмасига қарашли, Машиностроитель кўчаси, 6-ўйдаги сартарошхона.
4. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Юнусобод-2 мавзе, 7-ўйдаги сартарошхона.
ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ
1. «Лутий» хусусий корхонасига қарашли, У. Носир кўчаси, 28-ўйдаги сартарошхона.
2. «ВАД» масъулияти чекланган жамиятга қарашли, Бобур кўчаси, 5-ўйдаги сартарошхона.
3. «Омадус» хусусий фирмасига қарашли, Қунаев кўчаси, 6-ўйдаги сартарошхона.
Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин: 55-39-01, 51-33-10.

ҚУРИЛИШ ВА ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, МЕХАНИЗМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КОРХОНАЛАР, ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда биринчи марта 17-21-май кунлари Ўзбекистон Рассомлар академиясининг марказий кўрғазмалар залида «Пойтахтнинг қурилиш индустрияси» деб номланган ярмарка-кўрғазма ўтказилмоқда. Кўрғазма-ярмаркада қатнашиш орқали Сиз ўз маҳсулотларингизни реклама қилишингиз, буюртмачи ва шериклар топишингиз, шартномалар имзўлашингиз, ривожланиш истиқболларини белгилаб олишингиз мумкин. Энг яхши қурилиш корхоналари қатаридан ўрин олишдек имкониятни бой берманг. Қатнашиш учун талабномалар 1999 йил 10 майга қадар қуйидаги манзил: 700015, Госпиталь даҳаси, 12-ўйда қабул қилинади. Телефонлар: 54-68-42, 55-56-33, 133-27-07, 54-04-87. Тошкент Халқаро бизнес маркази. Кўрғазма ташкилотчилари — Тошкент шаҳар Ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қимматли қоғозлар ва биржа иши профессор (1), доцент (3), катта ўқитувчи (4), ассистент (1), Солиқ ва суғурта профессор (1), доцент (3), катта ўқитувчи (5), ассистент (5), Информацион технология ва моделлаштириш профессор (1), доцент (5), катта ўқитувчи (7), ассистент (3), Ўзбекистон тарихи ва демократик жамият қурилиши асослари профессор (2), доцент (5), катта ўқитувчи (2), ассистент (2), Чет тиллари доцент (4), катта ўқитувчи (18), ўқитувчи (5), Маънавият ва фалсафа профессор (2), доцент (9), катта ўқитувчи (6), ассистент (2), Статистика профессор (2), доцент (5), катта ўқитувчи (2), ассистент (1), Математика профессор (1), доцент (8), катта ўқитувчи (4), Микроиктисодиёт профессор (1), доцент (4), катта ўқитувчи (1), ассистент (1), Молия доцент (3), катта ўқитувчи (8), ассистент (1), Солиқ ва солиққа тортиш доцент (1), катта ўқитувчи (2), Ўзбек ва рус тили доцент (2), катта ўқитувчи (5), Жисмоний тарбия доцент (1), катта ўқитувчи (4), ассистент (3), Молиявий таҳлил доцент (3), катта ўқитувчи (5), ассистент (4), Иқтисодий информатика кафедралари бўйича профессор (2), катта ўқитувчи (5) лавозимларига танлов эълон қилади. Танловда фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар ва малакали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-ўй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 34-66-58. РЕКТОРАТ

Адажонимиз Қудратилла Зоидов ва ўғлими Муроджонни 5 май — туғилган кунлари билан чин юракдан табриқлаймиз. Уларга сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз. Қизлари Муножотхон, набиралари Муяссархон.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, ниҳоят эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилми: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма ҳуқуқ-шартномалар бўлимининг бошлиғи Мирзахўжаев Насриддин Сайдиновичга ўғли ИСКАНДАРнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.